



*Маънавият таргиботчисига ёрдам*

Ш. АКРАМОВА,  
Н. САЛОМОВ

**ЁШЛАРДА  
МАФКУРАВИЙ  
ИММУНИТЕТНИ  
ШАКЛАНТИРИШ  
ОМИЛЛАРИ**



РЕСПУБЛИКА МАЊНАВИЯТ ТАРГИБОТ МАРКАЗИ

Ш. АКРАМОВА  
Н. САЛОМОВ

ЁШЛАРДА МАФКУРАВИЙ  
ИММУНИТЕТНИ  
ШАКЛАНТИРИШ  
ОМИЛЛАРИ



ТОШКЕНТ «МАЊНАВИЯТ» 2015

УЎК: 37.017.92

КБК: 74.200.51

А 42

**Акрамова Ш.**

А 42      Ёшларда мафкуравий иммунитетни шакллантириш омиллари / Ш. Акрамова, Н. Саломов; масъул мухаррир Қ. Куранбоев; Республика маънавият тарғибот маркази.  
– Тошкент: «Маънавият», 2015. – 32 б.

ISBN 978-9943-04-245-2

Глобаллашув шароитида ёшларда мафкуравий иммунитетни шакллантиришнинг муҳим жиҳатлари, хусусиятлари ва омиллари ҳамда бу жараёнда таълим-тарбиянинг ўрни ва аҳамияти долзарб мавзулардан биридир.

Ана шу масалалар таҳлилига бағишлиланган мазкур рисола маънавий-маърифий ишлар учун масъуллар, ота-оналар, ўқитувчилар, синф раҳбарлар, тарбиячилар ва тарбия масалалари билан қизиқувчи кенг китобхонлар оммасига мўлжалланган.

УЎК: 37.017.92

КБК: 74.200.51

**М а съ у л м у ҳ а р р и р:**  
*сиёсий фанлар доктори Қ. Куранбоев*

**Т а қ р и з ч и л а р:**  
*педагогика фанлари доктори, профессор М. Куронов*  
*педагогика фанлари номзоди Г. Арипова*

ISBN 978-9943-04-245-2

© «Маънавият», 2015

---

---

## КИРИШ

Жаҳон тараққиётининг ҳозирги босқичида одамзот ғоят мураккаб ва зиддиятли жараёнларнинг гувоҳи бўлмоқда. Бу, биринчидан, дунё ҳаритасида янги давлатларнинг вужудга келгани, инсониятнинг тинч-тотув яшави ва тараққиётнинг янги босқичга кўтарилишига хизмат қиласиган янги имкониятларнинг пайдо бўлиши, иккинчидан, дунёвий тараққиётга тўсиқ бўладиган, демократик ривожланишни издан чиқарадиган, инсоният, халқлар, оилаларнинг бирлигига раҳна соладиган маънавий таҳдидларнинг вужудга келиши, учинчидан, глобаллашув жараёнининг жамият ҳаётининг барча соҳаларига кириб келаётгани билан белгиланади.

Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 23 йили давомида халқимизнинг ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маънавий-маданий ҳаётида улкан янгиликлар содир бўлди. Энг муҳими, онг-тафаккуримиз ўзгариб, Ватан равнақи, юрт тинчлиги ва халқ фаровонлиги йўлида халқимизнинг шахсий ва умуммиллий мақсадлар муштараклигига, ғоявий бирликка интилиш ҳисси уйғонди. Бироқ, бизнинг мустақил юксалиш натижаларимизни кўролмайдиган, ўз геополитик мақсадларидан келиб чиқиб миллий маънавий қадриятларимизни қадрсизлантиришга қаратилган ғоявий таҳдидлар ҳамон давом этмоқда.

Бутун инсониятга таҳдид солаётган халқаро терроризм ва экстремизм дунё цивилизациясининг давлатлараро интеграциянинг ашаддий душманига айланиб бормоқда. У тобора кенгайиб, жаҳондаги кўплаб мам-

лакатларга ўзининг салбий таъсирини кўрсатмоқда. Президент Ислом Каримов таъкидлаганидек, «бу оғат қачон, қайси томондан, қандай хужум қилишини ҳеч ким билмайди».<sup>1</sup> Зеро, бу даврда кўз билан илғаб бўлмас қудратли тарғибот кучлари, демократик ривожланишни издан чиқарадиган, ҳалқлар ва миллатлар тинчлигига раҳна соладиган хавф-хатар ҳамда таҳдидлар бизни ҳар томондан қуршаб турибди. Афсуски, замонавий ахборот технологиялари соҳасидаги ютуқлардан ёвуз мақсадлар йўлидан фойдаланиб, уни тараққиёт куашнадасига айлантираётган кучлар ҳам мавжуд бўлиб, улар ўз саъй-ҳаракатлари билан кишиларнинг тинчфаровон ҳаётига дахл қилмоқда. Янги кашф этилаётган ахборот хуружлари инсон онги ва қалбига тажовуз қилиб, унинг турмуш тарзи, қарашларини ўзгартиришга интилмоқда. «Инсон қалби ва онгини эгаллаш учун кураш хилма-хил ғоялар билан қуролланган, турли манбалардан озиқланадиган мафкураларнинг асосий мақсадларига айланмоқда».<sup>2</sup>

Президент Ислом Каримовнинг «Юксак маънавият – енгилмас куч» китоби муқаддимасида унинг дунёга келишига сабаб бўлган улкан гоявий-тарбиявий эҳтиёж баён қилинади: «Ушбу китоб инсоннинг юксалишида маънавият оламининг қандай таъсир ва аҳамиятга эга экани, шунингдек, маънавиятга қарши қаратилган хуружларнинг реал хавфи ҳақида атрофлича фикр юритиш, ҳалқимиз янги ҳаёт, янги жамият асосларини қураётган ҳозирги мураккаб ва таҳликали замонда одамларни бундай хатарлардан огоҳ этиш, эл-юртимиз,

<sup>1</sup> Ислом Каримов. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. Т.6. – Т.: «Ўзбекистон», 1998, 429–32-б.

<sup>2</sup> Р. Энтони. А. Эллиот. Эпоха пропаганды: Механизмы убеждения, повседневное использование и злоупотребление. – М.: Эврика, 2001, 102-б.

кенг жамоатчилик эътиборини бу масалаларга яна бир бор қаратиш, келажак авлодимизни маънавий соғлом этиб тарбиялаш билан боғлиқ вазифаларни аниқ белгилаб олиш борасидаги ҳаётий эҳтиёж маҳсули сифатида дунёга келди»<sup>1</sup>.

Шахс дунёқарашининг умумий тизимида соғлом эътиқод, ишонч ва миллий қадриятлар тизимининг устуворлиги ёт мафкураларга қарши иммунитетни тарбиялашда муҳим омил бўлиб хизмат қиласди. Шунинг учун умумий ўрта таълим мактаблари ўқувчиларини ҳаёт ҳодисаларини илмий таҳлил қилишга ва баҳолашга, ўз қаращларини ҳимоя қилишга ўргатиш керак. Токи ўсмир бузғунчи мафкураларга, уларнинг тарғиботига ҳар доим, ҳамма жойда муросасиз бўлсин, миллий ғоямизни амалда қўллашга, ҳимоя қилишга тайёр бўлсин.

Зеро, Президент Ислом Каримов «Юксак маънавият – енгилмас куч» асарида таъкидлаганидек: «Ҳар қандай касалликнинг олдини олиш учун, аввало, киши организмида унга қарши иммунитет ҳосил қилинади. Биз ҳам фарзандларимизни она Ватанга муҳаббат, бой тарихимизга, ота-боболаримизнинг муқаддас динига садоқат руҳида тарбиялаш учун, таъбир жоиз бўлса, аввало уларнинг қалби ва онгига мафкуравий иммунитетни кучайтиришимиз зарур»<sup>2</sup>.

---

<sup>1</sup> Ислом Каримов. «Юксак маънавият – енгилмас куч». – Т.: «Маънавият», 2013, 16–17-6.

<sup>2</sup> Ўша манба, 119-6.

---

## **МАФКУРАВИЙ ТАҲДИД ШАКЛЛАРИ**

Дунёдаги мафкуравий тортишувлар ва учраётган информацион хуружлар ўсиб келаётган ёш авлоднинг тарбиясига янги талабларни қўймоқда. Маънавий-маърифий, тарбиявий ишларда мафкуравий таҳдидлар шароитида ёт мафкураларнинг мустақиллигимизни мустаҳкамлашимизга қарши олиб бораётган ҳужумларини ва ёшларимизни лоқайд, сиёсий заиф, мафкуравий бефарқлигига эришишга қаратилган харакатлар таъсирини заарсизлантириш зарурати алоҳида таъкидланмоқда.

Ғарб давлатлари ҳаётининг турли соҳаларида, хусусан, маданий ҳаётида юз бераётган инқироз жараёнларига холис ёндашаётган мутахассислар, Ғарб дунёси ҳалокат томон бораётганини қайғу билан қайд этмоқдалар. Масалан, американлик таниқли файласуф ва сиёсий шарҳловчи П. Ж. Бюкененнинг сўнгги йилларда эълон қилган китоблари сарлавҳасининг ўзи муаллифнинг ҳасрат ва ташвишларига ишора қиласди: «Буюк хоинлик: Америка суверенитети ва ижтимоий адолат глобал иқтисодиёт тангрисига қурбон этилгани ҳакида»(1998), «Ғарбнинг ҳалокати: аҳолининг камайиши ва мухожирликнинг кучайиши мамлакатимиз ва тамаддунимизга қандай таҳдид солмоқда?»(2001), «Ўнгларнинг сўлларга айланиши» (2004), «Ғарбнинг ҳалокати» китобида АҚШда вужудга келган вазиятни чуқур ва атрофлича таҳлил этар экан, муаллиф ўз юртининг ва умуман Ғарб дунёсининг таназзулини,

аввало, маданиятнинг емирилаётгани, азалий урфодатларнинг йўқолаётгани, асрлар давомида эъзозлаб келинган қадриятларнинг топталаётгани билан боғлайди ва бундай ишларнинг тепасида турган «маданий инқилобчилар»ни П.Бьюкенен «замонамиз толибонлари» деб атайди.<sup>1</sup>

Хозирги замоннинг мафкуравий манзарасида сеziларли аҳамият касб этаётган вайронкор ғояларни икки гурухга бўлиш мумкин. Зотан, ўзбек жамиятининг тараққиётига хавф solaётган ғоялар (шовинизм, неототалитаризм, космополитизм (дунё фуқаролиги ва шу кабилар)ни мамлакатимиз фуқароларига бевосита сингдиришга уринилаётган ғоялар (миллатчилик, диний экстремизм, миллий маҳдудлик, миссионерлик, прозелитизм, «оммавий маданият», «ахлоқсизлик фалсафаси» ва шу кабилар)дан ажратса билиш лозим.

Ўзбек жамиятига катта хавф solaётган ғоялардан бири – шовинизм. Уни, Президент Ислом Каримов таъкидлаганидек, «муайян кучлар ва давлатлар томонидан бўладиган сиёсий, мафкуравий ва иқтисодий хукмронлик деб ёки миллатлараро ва давлатлараро, минтақавий муносабатларда унга интилиш деб тарьифлаш мумкин».<sup>2</sup>

Шовинизм тарафдорлари ўз манфаат ва эҳтиёжларини ҳаддан зиёд улуглайди, уларни бошқа миллат ва элатлар ҳисобига қондиришни тарғиб этади. «Иқтисодий имкониятлари заифлашган, ижтимоий тутувликка дарз кетган, ички зиддиятлар кучайган, Ватан,

<sup>1</sup> Б. Умаров. Ғарб тамаддуни: инқироз аломатлари // Тафаккур. – Т.: 2007. – № 2, 12–23-б.

<sup>2</sup> Ислом Каримов Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. – Т.: «Ўзбекистон», 1997, 52-б.

миллат тақдиридан ўзининг тор манфаатларини устун кўядиган, ўзаро келиша олмаётган, ҳокимиятга даъвогар сиёсий гурухларнинг мавжуд муаммоларини ташқи кучлар ёрдамида ҳал қилишга уриниши ва маънавий-рухий парокандалик, эртанги кунга ишончсизлик туйғулари ҳукмрон бўлган мамлакатлар буюк давлатчилик шовинизми нишонига айланишини замонавий тарих ҳам кўрсатиб турибди»<sup>1</sup>.

Миллат ва элатларнинг ягона тоталитар тизим шароитидагина фаровон ҳаёт кечира олишини таргиб этувчи неототалитаризм ғоялари ҳам жамиятимиз тараққиёти учун катта хавф тугдирмокда. Чунки ушбу ғоя тарафдорлари миллатларни яна империя шароитига қайтаришни, яна миллий қадриятларга панжа орасидан қарашни таклиф этадилар. Бу ҳақда Президентимиз Ислом Каримов: «Халқнинг урф-одатлари, анъаналари, маданияти оёқ ости қилинди, она тилининг қўлланиш соҳаси сунъий тарзда чеклаб қўйилди. Ҳатто, шундок ҳам миллий анъаналардан анча олисда бўлган айрим санъат турлари ҳам кимларгадир мақбул бўлмай қолди ва уларни янгилашга уриндилар. Ҳатто, миллий либос ҳам қораланди. Кези келганда одамлар миллий анъаналар бўйича тўй қилиш, қариндош-уруғларни дафн этишга ҳам чўчиб қолган эдилар»<sup>2</sup>, дея таъкидлайди.

Ахборот тарқатиш жараёни бутун ер юзини қамраб олмоқда. XX асрнинг сўнгги ўн йиллигига халқаро компьютер тармоғи – интернет тизимининг вужудга келиши ва ахборот алмашинуви жараёнларининг тезлашиб бориши бугунги кунда ғоявий таъсир ўтказиш кўла-

<sup>1</sup> Миллий истиклол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар. Маъруза матнлари учун материаллар. – Т.: «Янги аср авлоди», 2001, 35-б.

<sup>2</sup> Ислом Каримов. Ўзбекистон мустақилликка эришиш осто-насида. – Т.: «Ўзбекистон», 2011, 119-б.

мини кенгайтирмоқда. АҚШ мудофаа маҳкамасининг оддий бир лойиҳасидан бошланган бу тизим бир мамлакатда пайдо бўлган ғояларнинг тез фурсатда бутун дунёга ёйилишини таъминламоқда.

Интернет инсониятнинг муҳим ютуғи бўлиб, ахборот ва коммуникация жараёнларини мисли қўрилмаган даражада тезлаштириди. Одамларга қатор қулайликлар яратди. Масалан, АҚШ ва Европада интернет орқали амалга ошириладиган савдо-сотиқпинг умумий ҳажми 5 триллион доллардан ошиб кетганлиги бунинг исботидир. Бунга кўра, 2002 йилда ҳар бир ишлатилган долларнинг ярми интернет орқали ишлатилган.

IDS таҳлилчиларининг маълумотларига кўра, ҳозирда ер юзининг чорак қисмидан иборат 1,4 миллиард киши интернет тармоғидан мунтазам равишда фойдаланади ҳамда яқин 8 йилликда бу кўрсаткич 2 миллиарддан ошиб кетиши кутилмоқда. Эксперtlар тахминича, 2012 йилда интернет тармоғига шахсий компьютерлардан кўра, мобил алоқалардан кириш нисбати ошиб кетади<sup>1</sup>. Интернет тармоғидан фойдаланувчиларнинг 90 фоизи ривожланган давлатларда яшайди. Дунёning қолган аҳолиси эса шу кичик доиранинг мафкуравий таъсирида ҳаёт кечиради, деб хулоса қилиш мумкин.

Бугунги дунёда ахборот-коммуникация жараёнларида сунъий йўлдошларнинг ҳам ўрни катта бўлмоқда. Лекин фазодаги сунъий йўлдошлар бир неча – АҚШ (30 та), Япония (21 та), Россия (12 та), Хитой ва Ҳиндистон (9 тадан) давлатларига тегишли, холос<sup>2</sup>.

Кучли мафкуравий таъсир кўрсатиш воситаси бўлган интернет тизими жиддий муаммоларни ҳам келти-

<sup>1</sup> <http://www.internet.ru/node/18678>

<sup>2</sup> Саммерс И., Дюнц Б. Высокоскоростное цифровое соединение с сетью Интернет. – М.: Радио и связь, 2008, – 158-с.

риб чиқармокда<sup>1</sup>. Ушбу тизимдан кўпорувчилик, гояни «экспорт» қилиш, одамлар онгини заҳарлаш мақсадида фойдаланиш эса мафкуравий қурашни янада кескинлаштиради, одамларни электрон хурожлар кибертероризм қаршисида чорасиз қилиб қўяди.

Йирик террорчи гурухларнинг интернет тизими-даги кўпорувчилик ҳаракатлари инсониятни ташвишга солмоқда. Чунки интернетнинг бепоён оламида уларнинг изини топиб олиш ғоят мушкул. Шу тариқа ахборот ёвуз кучлар – уюшган жиноятчилик, жаҳон терроризми кўлида хавфли қуролга айланмоқда. Мълумотларга қараганда, ахборот таҳдидини уюштириш устида 120 га яқин давлат «ҳамжиҳатлик» билан иш олиб боряпти. Демак, ягона ахборот маконини яратиш, ундан ахборот таҳдиidi йўлида фойдаланиш шу даражага етдики, ахборот майдонидаги хуруж ядро полигонларидан кўра, хавфлироқ бўлиб қолди. Бугунги кунда 20 га яқин давлатда ядро қуроли ишлаб чиқариш борасида саъй-ҳаракатлар давом этаётган паллада, ахборот таҳдиidi билан 120 га яқин давлатнинг жиддий шугулланиши дунёни ядро урушидан кўра ахборот хурожи талvasага solaётганидан далолат беради.

Бугунги кунда ахборот хурожининг яна бир кўриниши одоб-ахлоқ, шарм-ҳаё каби қадриятларга тажовуз тарзида намоён бўлмоқда. 2006 йилда АҚШнинг Колорадо штатига қарашли шаҳарчада икки нафар ўсмир 12 нафар синфдошини отиб ўлдиргани, бир қанчасини ярадор қилиб, охири ўз жонига қасд қилганлиги ҳақидаги шов-шув дунёга тарқалган эди. Компьютердаги машҳур ўйиндан таъсирланган болалар ана шундай мудҳиши қотиллик содир этган.

---

<sup>1</sup> <http://net.compulenta.ru>

Мафкуравий жараёнларнинг глобаллашиб боришида маданий омилнинг ҳам ўрни бор. Айниқса, халқлар ўртасида маданий ҳамкорлик ва айирбошлашлар жараёнида бир миллий маданиятдаги баъзи йўналишлар бошқа халқларнинг маданий ҳаётига ҳам сингиб боради. Бу ҳол глобаллашувнинг кўринишларидан бири бўлиб, мафкуравий ҳаётнинг ўзгариб боришига таъсир кўрсатиши мумкин. «Гарб маданияти»га хос айрим унсурларнинг халқимиз турмуш тарзига кириб келиши мафкуравий тарбия ишимизга салбий таъсир кўрсатиши мумкин. Айниқса, гиёхвандлик, зўравонлик, жангарилик, тажовуз ва бошқа гайриахлоқий унсурларнинг оммавий ахборот воситалари, китоблар, рок-музиқа, интернет орқали зимдан тарғиб этилиши миллий қадриятларга путур етказиши мумкин. Бундан хулоса шуки, глобаллашув ҳодисаларини чукур ўрганиш, ундан фойдаланиш йўл-йўриклари ва технологиясини ишлаб чиқариш бугунги кунда муҳим амалий педагогик вазифадир.

Турли хил диний эътиқодларни инсон, хусусан, ёшлар онгига сингдириш орқали сиёсий мақсадларга эришиш мафкуравий тажовузнинг бир шаклига айланмоқда. Профессор М. Қуроновнинг «Эгоцентризм – ёввойилик фалсафаси» номли мақоласида ушбу гоянинг ёвузылдан иборат мазмун-моҳиятини очиб берилади: «Ҳозирги пайтда инсоният ҳаётига катта хавф туғдираётган халқаро терроризм, диний экстремизм, наркоаггрессия ва ОИТС сингари оғатларни кўпчилик яхши билади. Лекин бугунги кунда ҳамма ҳам билавермайдиган, ошкора кўзга ташланмайдиган, маънавий ҳаётилизни издан чиқаришга қаратилган жиддий хатарлар ҳам борки, ҳозироқ уларнинг олдини олмасак, кейин кеч бўлади. Булар Гарб оламида кенг тарқалган эгоцентризм ва эркинлик никобидаги ахлоқсизлик

фалсафасидир»<sup>1</sup>. Эгоцентризм – ўтакетган худбинлик бўлиб, фақат ўзини, ўз манфаатларини ўйлаб яшаш, бошқа ҳеч нарсани тан олмаслиkdir. Бу заарли иллат жаҳолат ва ақидапараастликдан асло қолишмайди.

Мақола муаллифи таъкидлаганидек, «менга барibir» деб қараш, беписандлик, ўз манфаатини ҳаммадан устун кўйиш, шухратпарастлик, маҳмадоналик, тажанглик, бирорни эшига билмаслик, хатосини тан олмаслик, танқидга чидамсизлик эгоцентризм белгилариdir. Юксак маънавият, ҳамжиҳатлик, уюшқоқлик, мафкуравий иммунитет бу каби иллатлардан қутулишнинг маърифий воситасидир.

Ушбу муаммо Ўзбекистон «Камолот» ёшлар ижтиомий ҳаракати фаолиятида маънавий-маърифий ишларнинг асосий вазифаларидан бирига айланди. Педагогика фанлари номзоди Б. Мирзаолимов ўзининг «Ёшлар онгида миллий истиқлол ғоясини шакллантиришнинг педагогик асослари («Камолот» ёшлар ижтиомий ҳаракати фаолияти мисолида)» тадқиқотида ушбу масаланинг илмий-амалий ечимларидан бири сифатида жамоатчилик асосида фаолият қўрсатувчи «Тафаккур» илмий марказини ташкил этди. Марказнинг «Нотиқлар фракцияси», «Маърифатчилар фракцияси», «Шарҳловчилар фракцияси» ҳамда «Ташқилотчилар фракция»ларининг фаолияти ёшларнинг мафкуравий билимларини чуқурлаштиришда катта ҳисса бўлиб кўшилди<sup>2</sup>.

Ёшларининг мафкуравий иммунитетини кучайтириб, бизга ёт қарашлар ва тушунчаларга нисбатан

<sup>1</sup> М. Қуронов. Эгоцентризм - ёввойилик фалсафаси // «Халқ сўзи». – Т.: 2006, 2-б.

<sup>2</sup> Б. Мирзаолимов. Ёшлар онгида миллий истиқлол ғоясини шакллантиришнинг педагогик асослари («Камолот» ЁИҲ фаолияти мисолида); – Т.: ЎПФИТИ, 2005, 23-б.

фаол қарши муносабатларини шакллантириш тобора долзарб аҳамият касб этмоқда. Ёшларни миллий мағкура руҳида тарбиялаш соф инсоний муносабатлар ва ҳис-туйғулар асосида қурилса, ҳар бир ўсмирнинг энг нозик кечинмаларига, ҳиссиётига таъсир этадиган ғоя даражасига кўтарилса, бузғунчи ғоялар йўли тўсилади. Жоҳил ақидапараастликнинг «даъвати» ҳам, ахлоқни рад этадиган, биз учун мутлақо бегона ғоялар ҳам ўз таъсирини ўтказа олмайди».

---

## ЁШЛАРДА МАФКУРАВИЙ ИММУНИТЕТНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ОМИЛЛАРИ

Мамлакатимизда радио, телевидение, газета-журналлар ва интернет, ахборот технологияларининг кенг тармоқланган тизими маънавий-мафкуравий тарбиянинг ажралмас ва зарурий қисмидир. Оммавий ахборот воситалари тизими аҳолининг кенг қатламини, жумладан, ёшларни ҳам қамраб олади. Чунки ҳар бир оила у ёки бу телерадио воситасига эга, телесигналлар қабул қилишади. 2010 йилнинг 1-ярим йилдаги статистик маълумотларга кўра, Ўзбекистонда 1млн. 835 минг нафар киши интернет хизматларидан фойдаланган. Демак, ҳозир болалар ҳали ўқишини ўрганмасдан, катта ҳажмдаги турли хил, жумладан, мафкуравий маълумотларни ҳам қабул қила борадилар: демак, улар Ўзбекистон, унинг давлат рамзлари, мустақиллиги, тинчлик учун кураш тўғрисидаги тасаввурга эга бўлишлари мумкин. Вақт ўтган сайин ўсмирларнинг тарихий-сиёсий билим ва тасаввурлари кенгайиб боради.

Президент Ислом Каримовнинг «Юксак маънавият – енгилмас куч» китобида глобаллашув ва интернетнинг роли тўғрисида: «Бугунги кунда ёшларимиз нафақат ўқув даргоҳларида, балки радио, телевидение, матбуот, интернет каби воситалар орқали ҳам рангбаранг ахборот ва маълумотларни олмокда. Жаҳон ахборот майдони тобора кенгайиб бораётган шундай бир шароитда болаларимизнинг онгини фақат ўрабичирмаб, уни ўқима, буни кўрма, деб бир томонлама тарбия бериш, уларнинг атрофини темир девор билан

ўраб олиш, ҳеч шубҳасиз, замоннинг талабига ҳам, бизнинг эзгу мақсад-муддаоларимизга ҳам тўғри келмайди. Нега деганда, биз юртимизда очик ва эркин демократик жамият қуриш вазифасини ўз олдимизга қатъий мақсад қилиб қўйганмиз ва бу йўлдан ҳеч қачон қайтмаймиз»<sup>1</sup>, – дея таъкидланган. Ушбу дастурий фикр барчамизга Интернет феноменининг ижобий ва салбий жиҳатларини чуқур ўрганишни ва ёшларимизда интернетдан фойдаланиш маданиятини шакллантириш вазифасини юклайди. Зеро, интернет кўплаб минтақавий ва маҳаллий тармоқларни бирлаштирувчи бутун жаҳон компьютер тармоги, ахборотнинг чексиз дунёси ҳамда фойдаланиш мумкин бўлган хизматларнинг катта тўплами бўлиши билан бирга турли хил ошкора ва ошкора бўлмаган ғоялар тўқнаш келадиган «жанг майдони» ҳамdir.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг «Юксак маънавият – енгилмас куч» китобининг «Инсон қалбига йўл» бўлимида ёшлар маънавиятининг шаклланишида бадиий-эстетик омилларнинг аҳамияти очиб берилган. Бу эса ўсмирларнинг мафкуравий иммунитетини шакллантиришда иштирок этадиган қатор ижтимоий педагогик омилларни аниқлаб берди. Бунда таълим, мактабдан ташқари мусассасалар, мусиқа, театр, адабиёт, кино, оммавий ахборот воситалари, оиласнинг роли каттадир.

Ёшларнинг мафкуравий иммунитетини шакллантирувчи омиллар сирасига ҳозирги замон санъатининг кенг тарқалган, оммавий турларидан кино ва телевидение ҳам киради. Улар ўзларида барча санъатларнинг имкониятларини ва илмий-техникавий тараққиётнинг энг янги ютуқларини мужассамлаштирган. Ёшлар би-

<sup>1</sup> Ислом Каримов. «Юксак маънавият – енгилмас куч». – Т.: «Маънавият», 2013, 114-б.

лан маънавий-маърифий ишлар жараёнидаги машгу-  
лотларнинг самарадорлигини таъминлашда ҳозирги  
кунда томошабинлар эътиборига ҳавола этилаётган  
фильмлардан фойдаланиш керак.

Ёшларни маънавий-маърифий ишларнинг нафақат  
мазмуни, балки шакллари ҳам ўзига жалб қилади.  
Уларни қаҳрамонлик, романтика ўзига тортиб туради.  
Уларга сайр-у саёҳатлар, тадқиқот ишлари жуда ёқади.

Оммавий ахборот воситаларида ёшлар учун мате-  
риаллартаркибини тайёрлашда қатор психо-педагогик  
талабларни ҳисобга олиши лозим. Бунда жанр, мавзу  
ранг-баранглиги талабларига риоя қиласлик шунга  
олиб келадики, мафкуравий мавзудаги кўпгина ма-  
териаллар ёш томошабинлар ва тингловчиларнинг  
сиёсий қизиқишларини ҳар томонлама қондира олмай-  
дилар.

Кенг ёшлар оммасини ташвишлантирувчи масала-  
лар кўпчилик газеталарда ўз вақтида жиддий ёритил-  
майди, маҳаллий телевидение ва радио студияларда  
муаммоли ва долзарб ҳаётий эшиттиришлар олиб бо-  
рилмайди. Натижада, ёшлар газеталарининг «катта-  
лар учун» материалларига мурожат қилишга, эшитти-  
ришларни тинглашга мажбур бўладилар. Айримлари  
чет эл ахборот манбаларига ҳам мурожат қиладилар.  
Улар эса ёшлар аудиториясининг психологиясидан ва  
бизнинг оммавий ахборот воситаларининг айрим кам-  
чиликларидан унумли фойдаланадилар.

Мисол учун ушбу воситалардан кенг оммалашгани  
телевидение ҳисобланади. Ўтказилган тадқиқот нати-  
жаларига мурожаат этадиган бўлсак, ёшлар ахлоқига  
салбий таъсир кўрсатадиган телекўрсатувлар ўз акси-  
ни тонган.

Ана шу камчиликнинг ўрнини тўлдириш мақсадида  
газеталарда чоп қилинган мафкуравий материалларга

педагогик ишлов беріб фойдаланиш услубини татбиқ қилиш лозим.

Ёшларнинг ёшига оид ўзига хос қизиқишилари хақида гапирганда, биринчи навбатда, уларнинг қаҳрамонларга бўлган ҳавасларини таъкидламоқ лозим. Бу асарларда катта ёшдаги ўсмиirlарни инсон руҳининг кучи ва улуғворлиги буюк мақсадлар йўлида қилинган қаҳрамонликларини тасвирлаш ўзига жалб қиласди. Кўтаринкилик ва фидойилик ўсмиirlарнинг оптимиистик дунёқарашини мустаҳкамлаш билан биргаликда ҳис қилиш, қайғудош бўлиш, биргаликда иштирок этиш кувончларини юзага келтиради.

Қарши тарғибот – бу аниқ, мантикий, мукаммал дастур бўлиб, унда қарши тарғиботга қизиқиш уйғотиши, ёш маърузачининг ўз устида мустақил ишлаши кераклигини англаб етиши, кўрилаётган масаланинг мафкуравий моҳиятини ишонарли равишда асослаб берипи каби кенг кўламдаги ғоявий-тарбиявий масалалар ҳал қилинади.

Бугунги кунда ахборот мубталолигига чалинган ёшларнинг сони кўпайиб бормоқда. Бу ҳолатни мутахассислар «ахборот очлиги» синдроми деб баҳолашмоқда. Яъни, бу касалликка чалинганлар тинимсиз янгиликларга эга бўлиб турмаса, депрессияга тушиб қолади. Ҳозир интернет клублардан фойдаланаётганларнинг аксарият қисмини мактаб ўқувчилари ташкил этаётганлиги муаммонинг нақадар долзарблигини кўрсатиб туради. Кузатувларимиз интернет клублари фойдаланувчиларининг 71 фоизини 10-16 ёшдаги ўсмиirlар ташкил этаётганини кўрсатди.

Айрим ота-оналарнинг фарзанди нима ишлар қилиб юрганидан бехабарлиги сабабли ўсмиirlар вақтини интернет кафеларда ўтказмоқда. Баъзи ота-оналар умуман интернетга кириб кўрмаган. Шунинг учун ҳам фар-

зандларининг интернетдаги салбий ғоялар сиртмоғига тушиб қолаётганини билмайди.

Айниқса, ҳозирда ўсмиirlар касаллиги сифатида эътироф этилган лудоманияга<sup>1</sup> чалинмоқдалар. Лудомания, яъни гемблинг деб аталувчи бу иллат – (лудо лотинча «judus» ўйин, кимор ўйинларига паталогик берилувчанлик) кўп ҳолларда кишини тақрорланувчи қимор ўйинларида иштирок этишга жалб қиласди. Аникроқ қилиб айтганда, унда бу ўйинлар ўйнаётган субъект устидан хукмронлик даражасига чиқади ва натижада ижтимоий, касбий, моддий, оиласий қадриятларнинг пасайишига ва бу қадриятларга масъулият билан ёндошмасликка олиб келади. Илгарилари бундай ўйинлар ўйин автоматларида, казиноларда кузатиларди. Ваҳоланки, улар чиройли жиҳозланган, киши эътиборини торта оладиган ва асосийси катта микдордаги ютуқни бир зумда ютиб олишига ишонтира оларди. Эндиликда бундай ўйинлар интернетда ҳам, on-line тизимида ҳам авж ола бошлиди. Олимларнинг кузатувларига асосан бундай ўйинларнинг «мижозлари» Англия ва Уэльснинг 114 та мактаби атрофидаги 12-13 ёшли ўсмиirlар орасида ўрта ҳисобда 10000 кишини ташкил қилас экан. Бунда ўсмиirlар амалда катталар қандай ўйинларга берилган бўлса, улар ҳам шу ўйинларни ўйнашади.

Интернетдаги бошқа ўйинлар ҳам киши онгини зарарли томонга ўзгартириб юборади. Бундай ўйинларни тарғиб қилувчи сайtlар «Ғоявий вирус» сайtlари деб аталади. Бунга қонхўрлик, ваҳшийлик, ўғрилик, фахш, зўравонлик каби иллатларни тарғиб этадиган ўйинларни мисол келтириш мумкин. Интернетдаги фахш саҳифаларидан фойдаланган ёшларнинг оила тўғрисидаги тасаввурлари салбий томонга ўзгариб кетиши мумкин. Баъзи ўсмиirlарнинг ўта асабий бўлиб

---

<sup>1</sup> <http://www.coinking.narod.ru/atcl/ludomania.html>

қолаётганига ана шундай ўйинлар ҳам сабабдир. Бугунги кунда ёшларни Интернетнинг салбий оқибатларидан асраш масаласи юзасидан қуидаги тавсияларни бериш мумкин:

*Биринчидан*, ота-она ўз фарзанди учун масъул эканини ҳис қилиб, унинг нима билан банд эканини билиб туриши лозим.

*Иккинчидан*, маҳалла – тарбия маскани сифатида қўча-қўйда ёшлар хулқини назорат қилиши керак бўлади.

*Учинчидан*, таълим муассасаси маъмурияти ёшлар у ердан чиққандан кейин тўғри уйга боряптими ёки бошқа иш қиляптими, буни билиши лозим. Бунинг учун оила, маҳалла, таълим муассасаси ўртасидаги амалий ҳамкорлик кучли бўлиши керак.

*Тўртминчидан*, Интернет клуб назоратчилари – маъмурлар боланинг компьютерда нима билан шуғулланаётганини назорат қилиб туришлари керак.

*Олтинчидан*, Интернет клубларни рўйхатга олган муассаса, маҳалла раиси ёки маҳалла ушбу клублар фаолларининг қандай фаолият олиб бораётганини назорат қилиб туриши зарур. Ҳозирда Интернет клублари соат 23 дан кейин ҳам ёшлар билан гавжум бўлади. Сабаби – бу вақтда айрим провайдерлар Интернет клублар учун тармоққа улашда чегирмалар жорий этади. Бундан эса клуб назоратчилари фойда кўради. Ёшлар эса ҳаёсиз веб-саҳифалар, кинофильмлар, клип ва ўйинларга киради. Шунинг учун ҳам Интернет клублари соат 22:00 дан кейин фаолиятини тўхтатишини таъминлаш зарур.

---

---

## ЁШЛАРДА МАФКУРАВИЙ ИММУНИТЕТНИ ШАКЛАНТИРИШДА ТАЪЛИМ ВА ТАРБИЯ БИРЛИГИ ТАМОЙИЛИДАН ФОЙДАЛАНИШ САМАРАДОРЛИГИ

Президент Ислом Каримовнинг «Юксак маънавият – енгилмас куч» китобида таълим ва тарбия бирлиги тўғрисида шундай дейилади: «...фарзандларимизни мустақил ва кенг фикрлаш қобилиятига эга бўлган, онгли яшайдиган комил инсонлар этиб вояга етказиш – таълим-тарбия соҳасининг асосий мақсади ва вазифаси бўлиши лозим. Бу эса таълим ва тарбия ишини уйғун ҳолда олиб боришни талаб этади».

Тарбия – ижтимоий аҳамиятга молик эҳтиёжларни шакллантиради. У нафақат хулқ-автор меъёрлари тўғрисида билимларни эгаллашни, рағбатланиш ёки жазодан қутилиб қолиш учун уларга амал қилишни, балки уларни хатти-ҳаракатларнинг ички меъёрларига айлантириш ва уларга онгли амал қилинишини таъминлаши керак<sup>1</sup>.

«Одабнома» дарслиги мазмунини такомиллаштириш юзасидан изланиш олиб борган тадқиқотчи И.Мирзиётов шундай ёзади: «Эътиқод тарбияси шарқ муҳитида кескин зиддиятлардан холи кечади, Ўзбекистонда айрим бузгунчи ғоялар, ислом динини никоб қилиб, сиёсий манбаатларини ёшлар онгига синдиришга ҳаракат қилаётган гурухлар сабабли бу шароит

---

<sup>1</sup> Симонов П., Ершов П.М. Темперамент. Характер. Личность. – М.: Мысль, 1994, 144-б.

мураккаблашмоқда. Бунинг устига ёшларга хос тева-рак-атрофни, ижтимоий, мафкуравий, миллий-маданий соҳаларга дахлдор воқеаларга баҳо беришда ўта ошириб, ёки камайтириб юбориш, ўжарлик, туйғуларнинг бекарорлигига, бу эса баъзи ҳолларда маҳаллийчилик, миллий худбинлик, нигилизм, мақтанчоқлик, этноцен-тризм кайфиятларининг намоён бўлишига олиб келиши ҳам мумкин.

Ана шу салбий оғишлиарнинг олдини олиш учун болалар эътиқодини қаровсиз қолдирмаслик керак, балки ўз вақтида миллий мафкуравий онглилик, ватанпарварлик фазилатлари билан омухталаштириш даркор»<sup>1</sup>.

Халқимиз азалдан илмий-маънавий мероси тўпланган кутубхоналарни кўз қорачигидек авайлаб-асраш орқали келгуси авлодларни улардан баҳраманд қилишга ҳаракат қилишган. Зоро, ҳар бир тарихий даврда кишиларнинг баркамол ривожи кутубхоналарда тўпланган интеллектуал меросдан унумли фойдаланишга ҳам боғлиқ. Музейлардаги мавжуд маънавий бойлик маданиятини яхшироқ ўрганиш, ўлканинг ранг-баранг табиати ва борлиғидан фахрланиш туйғуларини шакллантиришга яқиндан ёрдам беради.

Ёшларда мафкуравий иммунитетни шакллантиришнинг муҳим вазифаларидан бири, – ўқувчиларнинг дунёвий, илмий, дунёқарашини шакллантиришdir. Ўқувчилар унинг асосида тарихий тараққиётнинг ривожланиш йўлини, турли ижтимоий ҳодисаларни мустақил англаб, муносабат билдирадилар. Шу сабабли ижтимоий-гуманитар фанларни ўтиш ёшларни

---

<sup>1</sup> И. Мирзиётов. Бошланғич синф ўқувчиларида соғлом эътиқодни шакллантириш («Одабнома» дарслари мазмунини миллий-диний қадриялар билан такомиллаштириш мисолида): –Т.: ЎПФИТИ, 2003, 162-б.

тўлқинлантирувчи замонавий ҳаёт саволларига гоявий нуқтаи назардан ишонарли жавоб бериши зарур.

«Оммавий маданият»нинг ёшлар онгига заари Президент Ислом Каримов томонидан 1990 йилда кўтарилиган эди. «Гап шу ҳақда борар экан, «оммавий маданият» муаммоларига ҳам алоҳида эътибор беришимиз лозим. Айрим кишиларда ялло қилиб яшаш, зўравонлик, ҳаром-харишлиқ руҳи хукмрондир. Баъзан одобсизлик, беҳаёлик, кўнгилни айнитар даражадаги намойишлардан одамларнинг фифони ошмоқда. Улар асрий анъаналаримиз, диёнат, виждон, одоб борасидаги халқ удумлари оёқ ости қилинаётганини айтиб, бизни муҳофаза этинг, демоқдалар»<sup>1</sup>.

Шунингдек, «оммавий маданият» таъсири натижасида ўзбек санъатида ҳам сезиларли ўзгаришлар содир бўлмоқда. Бу ҳақда юртдошларимизнинг фикрига қулоқ соладиган бўлсак: «Кундан-кунга санъаткорларимизнинг илҳомлари жўшиб янгидан янги клипларни томошабинларга тақдим этишмоқда. Ҳаммаси ўз услугуга хос. Бири қўшиққа умуман мос бўлмаган кадрлар билан тўла бўлса, яна бошқаси қизларнинг қилпанглаб рақсга тушиши ва ҳаммасидан аянчлиси, ётоқхонадаги диван устида тасвирга тушириш сира урфдан қолмаяпти»<sup>2</sup>.

Кейинги йилларда Ўзбекистоннинг аудио-видео маҳсулотлар ва ахборотлар алмашиш бозорида халқимизнинг миллий менталитетига, ахлоқий қарашлари ва умуминсоний қадриятлар меъёрларига асло тўғри келмайдиган, яъни қонунчиликка зид тарзда бузиб дубляж қилинган маҳсулотлар кўпайиб кетмоқда. Хорижий мамлакатларда ишлаб чиқарилган «Шрек»,

<sup>1</sup> Ислом Каримов. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида. – Т.: «Ўзбекистон», 2011, 222-б.

<sup>2</sup> <http://uzbekona.uz>. 2011.06.12

«Шрек-2», «Мадагаскар», «Ёввойилар» каби мультфильмлар ва «Такси-4» сингари бадий ҳамда анимацион фильмлар шулар жумласидандир. Улар ўзбек тилига «гоблин» услубида дубляж қилинган бўлиб, воқеа ва сюжетлар ривожи аслига нисбатан ахлоқсиз, қўпол «кўча сўзлар», сленглар ёрдамида нотўғри талқин этилган. Ички бозорларга ноқонуний равишда сотувга чиқариб юборилган бундай маҳсулотлар айрим телеканаллар орқали кенг оммага намойиш этилиши ҳоллари ҳам кўп бора кузатилган.

Шахсий, ҳаётий тажрибанинг камлиги, санъатга фақат лаззатланиш воситаси деб қараш, юзаки англаш кўпинча ижобий ва салбий ҳодисаларни чалкаштириб тасаввур қилишга, ғоявий ёт, бетайин ҳаракатларни ҳақиқий бадий қадриятлардан устун қўйишга олиб келади. Бу тасаввурлар шахслараро мулоқотда такрорланаверса, мустаҳкамланади, тенгқурлар фикрлари билан қўллаб-қувватланади. Таълим муассасаларида ёшларда мафкуравий иммунитетнинг шакллантирилиши икки вазифани бажариши керак. Биринчидан, у ўқувчиларнинг тоталитаризм иллатидан холи бўлган мафкуравий қарашлари системасини шакллантириши лозим. Иккинчидан, бугун давлат олиб бораётган сиёsatнинг тамойил ва йўналишларини, турли мафкуралар, ғоявий таҳдидлар моҳиятини тушунтириши даркор. Шу мақсадда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг «Юксак маънавият – енгилмас куч» асарини ўрганиш бўйича ёшларга маънавий таҳдидлар тўғрисида аниқ маълумотлар берилшини таъминлаш юзасидан ёшлар қалби ва онгига таъсир кўрсатаётган маънавий таҳдидлар, уларнинг мазмун-моҳияти, етказадиган зарари ва келтириши мумкин бўлган оқибатларини изоҳлаб берувчи жадвални тавсия қилиш мумкин.

## Ёшлар қалби ва онгига таъсир кўрсатаётган маънавий таҳдидлар, уларнинг

### мазмун-моҳияти, етказадиган зарари ва оқибатлари

*(Президент Ислом Каримовнинг «Юксак маънавият – енгилмас куч» китоби асосида)*

T/p	Мазмун-моҳияти	Мазмун-моҳияти	Оқибатлари
1.	«Оммавий маданият»	<p>Бизга четдан кириб келаётган, маънавиятизиз, маданиятизиз, миллий қадриятларимизга мутлақо ёт бўлган, маънавий ва ахлоқий тубан иллатларни ўз ичига олган иллатлар йифиндиси.</p> <p>«Оммавий маданият» деган ниқоб остида ахлоқий бузуқлик ва зўравонлик, эгоцентризм фояларини тарқатиш, керак бўлса, шунинг хисобидан бойлик орттириш, бошқа халқларнинг неча минг йиллик анъана ва қадриятлари, турмуш тарзининг маънавий негизларига беписандлик, уларни кўпоришга қаратилган хатарли таҳдидлардир.</p> <p>Коммунистик мафкура ва унинг ахлоқ нормаларидан воз кечилганидан сўнг жамиятда пайдо бўлган ғоявий бўшлиқдан фойдаланиб, четдан биз учун мутлақо ёт бўлган, маънавий ва ахлоқий тубанлик иллатларини ўз ичига олган «оммавий маданият» ёпирилиб кириб келиши мумкинлигини унутмаслик керак.</p>	<p>«Оммавий маданият» одамларнинг дидини юксалтиришга, миллий ва жаҳон санъатининг мумтоз асарларини тушунишга ёрдам бермайди, балки улардан узоклаштиради. Ўзбекистонликларга хос юксак бадиий дидни ўртамиёна, оммабоп, «бизга шу ҳам бўлаверади», – дейдиган даражагача тушириб, пасайтириб юбориши мумкин.</p> <p>Табиийки, «оммавий маданият» деган ниқоб остида ахлоқий бузуқлик ва зўравонлик, индивидуализм, эгоцентризм фояларини тарқатиш, керак бўлса, шунинг хисобидан бойлик орттириш, бошқа халқларнинг анъана ва қадриятлари, турмуш тарзининг маънавий негизларига беписандлик, уларни кўпоришга қаратилган хатарли таҳдидлар одамни ташвишга солмай қўймайди.</p>

2.	Миссионерлик, прозелитизм	<p>Миссионерлик – (лот. юбориш, топширик) – бир динга эътиқод қилувчи халқлар орасида бошқа бир динни тарғиб қилиш. Диңий миссия – черков талқинида – элчилик топширикларини бажариш, муайян динни бошқа диний эътиқоддаги кишилар орасида тарқатиш;</p> <p>Шу орқали уларни иқтисодий, сиёсий ва маънавий жиҳатдан бошқа давлатлар таъсир доирасига тушириш; халқлар ўртасида ўз эътиқодига шубҳа уйғотиш, ишонч ва эътиқодидан воз кечишга олиб келиш.</p>	Миссионерлар домига тушган кимсалар ўз тилидан, динидан, оиласидан, хаттоки ватанидан айрилиши мумкин.
3.	Ахлоқиз-лик фалса-фаси, фахш зўравонлик тарғиботи	<p>Эгоцентризм яъни, ахлоқизлик, худбинликнинг бир кўриниши бўлиб, факат ўзини, ўз манфаатларини ўйлаб яшаш, бошқа ҳеч нарсанни тан олмаслик.</p> <p>Унинг журнал, «кўпик опералар», прайм тайм телекўрсатувларида аёлларнинг ишқий романлари, секс, жаҳолат мадҳ этилади.</p>	Етказадиган зарари нуктаи назаридан бу иллат жаҳолат ва ақидапарастликдан асло қолишимайди. Ҳозирги вактда ахлоқизликни маданият деб билиш ва аксинча, асл маънавий қадриятларни меснимасдан, эскилил сарқити деб қараш ёшлар тарбиясига катта хавф солмоқда ва кенг тарқалиб бормоқда.

4.	Диний ақидапарастлик	Диний мутаассиблик. Үнга хос бұлған хусусият – мурасасизлиқдир. Диний ақидапарастлар үзгариш ва янгиликтарға қарши кураш олиб борадилар, ҳақиқиي никобларини яшириш учун үzларини гүё диннинг софлиги учун курашаёттанлар қилиб күрсатадилар. Уларнинг назарida фақат үzlари ҳақ, бошқалар эса мутлақо ноҳақ. Шунинг учун үzlарida мавжуд «ҳақиқат»ни бошқаларға ёймокчи бұлади. Соғлом фикр юритувчилар бунга кўнмаса, унда зўрлик билан бу фикрни ўтказмоқчи бұлади.	Ақидапарастлик иллатлари: юрт барқарорлыгини бузиши, илмсиз, муте кишиларни ўз томонига агадарib олиши, диндорларни «ҳақиқий» ва «сохта»га ажратиб, улар орасига нифок солиши, мусулмон ва мусулмон бўлмаган шахслар орасида ҳар хил ихтилофларни келтириб чиқариши мумкин.
5.	Миллий қадриятларимизга нописандлик	Биз жамоа, маҳалла бўлиб, бир-бирига меҳр-оқибатли бўлиб яшайдиган инсонлармиз. Чет элдаги бაъзи бир сиёсатчи ва арбоблар бизнинг қадриятларимизга беписандлик билан караб, бизга ақл ўргатишга, азалий ҳаёт тарзимиз, руҳий дунёмизга ёт бўлган карашларни мажбурий жорий этишга уринмоқда.	Бундай таҳдид ҳолати қадриятларимизнинг топталишига олиб келиши мумкин.
6.	Ахборот хуружлари	Оммавий ахборот воситалари томонидан ахолининг ахборотга бўлған эҳтиёжини қондиришдаги чалғитувчи усуулардан фойдаланиш. Дезинформация, мақсадли, агрес-	Ахборот хуружи аслида ахборот урушидир. Аҳолининг норозилигини келтириб чиқаради. Матбуот муҳлисларининг, ахолининг норозилигини йўналтириш эса

		сив руҳдаги информациини тарқатиб аҳоли дунёкарашини нотўғри йўналишга солиб юбориши, тарихий ҳақиқатга хилоф ахборотлар тарқатиши.	маълум сиёсий мақсадларга эришиш имконини беради.
7.	Сотувдаги айrim товарлар, Интернет тизими-нинг салбий таъсири	Бугунги кунда ёшларимиз нафакат ўкув даргохларида, балки бозорлардаги видеоФильмлар, дисклар, радио-телевидение, матбуот, Интернет каби воситалар орқали ҳам рангбаранг ахборот ва маълумотларни олмоқда. Интернет тизими-нинг салбий таъсири порнографик, жоҳиллик, жангарилик, шаҳвонийлик ғоялари тарғиботида намоён бўлмоқда.	Бир қараща арзимас бўлиб туюладиган кичкина хабар ҳам ахборот оламидаги глобаллашув шиддатидан куч олиб, кўзга кўринмайдиган, лекин зарарини ҳеч нарса билан қоплаб бўлмайдиган улкан зиён етказиши мумкин.
8.	«Демократияни олға силжитиши»	Бугунги кунда ҳалқаро майдонда турли сиёсий кучлар ўзининг миллий ва стратегик режаларига эришиш учун «Эркинлик ва демократияни олға силжитиши» никоби остида амалга ошираётган, узокни кўзлаган сиёсатнинг асл моҳияти ва мақсадларини ўз вақтида сезиш, англаш катта аҳамият касб этади.	Бу борада айrim қудратли давлатлар томонидан муайян мамлакатларга, аввалимбор, еrosti, erusti бойликлари-га эга бўлған ҳудудларга нисбатан олиб борилётган ана шундай ғаразли сиёсатни дунёнинг айrim минтақаларида тинч ҳаётнинг издан чиқиши, ҳокимият тепасига айнан ўша давлатларнинг мағнатларига хизмат киладиган кучларнинг келиши билан боғлиқ мисолларда кўриш мумкин.

Кейинги вактда замонавий илм-фан ютуқлари, технологияларга асосланган жумладан, маълумотларни онг ости тузилмаларига сингдириш механизмидан кенг фойдаланилмоқда. Ўз - ўзидан, табиий равишда кечадиган исталган одам ёки ҳайвонда бирор-бир нарса ёки ҳодисага нисбатан майлни юзага келтирувчи психологияк механизмнинг ишлаш тартиби ўта оддий бўлиб, бир жинс, бир хил мазмун ёхуд шаклдаги нарса ёки ахборотни кетма – кет уч мартадан кўн кўрсатиш ва эшилтириш аввалдан кутилган самарали натижаларни беради. Ёшларга кўрсатилган мақсадли таъсир эса онг ости тузилмаларида муайян вакт мобайнида тўплантган маълумотларни тасдиқлаш ёки инкор этиш жараёнларининг бошланишига, бошланганда ҳам ўзига хос автоматик тарзда, яъни инсон иродасидан ташқари ҳолда бошланиб кетишига асос бўлади. Бу ерда мотив, яъни нимага ўсмир кўпроқ мойил бўлганлиги ҳам муҳим роль ўйнайди. Ўсмир айникса, ўзи ҳохлаган нарсанинг тасдиғига эришишига интилади. Шу боисдан ҳам, бузғунчи ғоялар қайси маълумотлар беришдан ҳам кўра, уларни қандай тарзда етказиш, асосан сухбатдошда хоҳиш, майл уйғотишига катта эътибор қаратадилар.

Ёшлар онги, тафаккурига уч ва ундан ортиқ марта кўрсатилувчи мафкуравий таъсир табиий равишда олинган янги маълумотлар фикрларни ўйлашга, ўйлаш эса уларни тасдиқлаш ёки рад этишга бўлган онг остида психо-физиологик жараёнлар бошланишига туртки беради. Агар ёшларда мазкур фикр-қарашлар (диний эътиқод, ахлоқий позициялар) хусусида аввалдан шакллантирилган тушунчалар бўлса, янги маълумотлар аввалги маълумотлар билан қиёсланади ва аксарият ҳолларда сингдирилувчи ғояларни инкор этувчи натижалар юзага келади. Агар ёшларда янгидан сингдирилувчи маълумотлар хусусида муайян маърифий

тайёргарлик, тушунча ва тасаввурлар бўлмаса, янги маълумотларни ҳаётий ақида, эътиқодий ёндошув сифатида қабул қилиш, уларни қалбан тасдиқлашга бўлган мойиллик устунлик қила бошлайди. Тасдиқлаш асосида қабул қилинган эътиқод, ғоялар ўзлаштирилгач, уларни ташки таъсирлардан ҳимоялаш механизми ишга тушиб кетади. Мазкур жараён янада самарали кечиши учун эса, миссионерлар (улар хоҳ «Хизбуттахрир», хоҳ «ваҳобийлик», хоҳ «акромийлар», «евангелистлар», «Иегово гувоҳлари» ва ҳ.к. бўлишдан қатъи назар) ўз қурбонларида ўзига хос «мафқуравий иммунитет»ни таркиб топтиришга уринмоқдалар.

Маънавий-маърифий ишлар жараённинг энг асосий хусусиятлари – бу унинг яхлитлиги, тизимлилиги, даврийлиги ва технологиявийлигидир. Яхлитлик деганда тарбиялаш ва ўқитиш жараёнлари, шунингдек, шахсни ривожлантириш ва шакллантириш жараёнларининг ажралмас бирлиги тушунилади.

Зоро, бу ҳақда Юртбошимиз Ислом Каримов таъкидлаганидек: «Таълимни тарбиядан, тарбияни эса таълимдан ажратиб бўлмайди – бу шарқона қараш, шарқона ҳаёт фалсафаси»<sup>1</sup>. Бу эса иккала жараённинг ҳар бирига хос хусусиятини, моҳиятини, бирининг бошқасига таъсири натижасида ўзгаришини англаб етишга ёрдам беради. Масалан, тарбия мақсади унинг мазмунини белгилаб беради, тарбияланганлик даражаси эса тарбиялаш усувларини танлашга таъсир кўрсатади ва ҳ.к.

Модомики, таълимни тарбиядан ва тарбияни таълимдан ажратиб бўлмас экан, мактабни оиладан, оиласи мактабдан айри холда кўриш ҳам мумкин эмас.

Ҳар бир маҳаллада барчага намуна бўлишга лойик оиласаримиз бор. Бундай оиласарда вояга етган, тар-

<sup>1</sup> Ислом Каримов. «Юксак маънавият – енгилмас куч», – Т.: «Маънавият», 2013, 62-б.

бия топган фарзандлар эл-юрт хизматида эканликлари, феъл-атворлари, амаллари билан доимо ота-оналари, оилалари, маҳаллаларига, мамлакати ва халқига шараф олиб келаётганилклари билан ҳамманинг дикқат-эъти-борини тортади.

Президентимиз айтганидек, оила соғлом экан – жамият мустаҳкам, жамият мустаҳкам экан – мамлакат барқарордир.

Дарҳақиқат, бу – ҳаммамиз учун дастуриламал бўлишга муносиб ғоя. Барчамиз шу ва шу каби улуғ ва эзгу ғоялар атрофида бирлашишимиз, шу мақсадлар сари интилишимиз керак.

Республикамизда ёшларни илм-маърифатли, турли соҳаларда етук мутахассис, жисмонан баркамол инсон бўлиб етишишга кенг шароитлар яратиб берилган. Мазкур имкониятлардан тўла-тўқис фойдаланиш, жамият ва давлат учун фидокор шахс бўлиш ҳар бир ёшнинг бурчидир. Бунинг учун эса, улар аввало, дунёвий ва касб фанларини чуқур ўзлаштириш, шунингдек, ўзбек халқининг меҳнатсеварлик, оилани муқаддас билиш, инсонларга меҳрибонлик, дўстларга садоқат, ватанпарварлик каби тарихан эъзозлаб келинаётган қадриятларни ўзида шакллантириши талаб этилади. Зоро, ёшларимиз учун мамлакат суверенитети, территориал бирлиги ҳамда мустақил сиёsat юритиш ҳуқукини мустаҳкам ҳимоя қилувчи фуқаро бўлиш, ўзларида миллий анъана ва халқимиз менталитетига ёт ғояларга нисбатан мафкуравий қобиқни шакллантириш шарафли ва масъулиятли бурч ҳисобланади.

---

---

## **МУНДАРИЖА**

Кириш.....	3
Мафкуравий таҳдид шакллари .....	6
Ёшларда мафкуравий иммунитетни шакллантириш омиллари .....	14
Ёшларда мафкуравий иммунитетни шакллантиришда таълим ва тарбия бирлиги тамойилидан фойдаланиш самарадорлиги .....	20

Ш. АКРАМОВА, Н. САЛОМОВ

## ЁШЛАРДА МАФКУРАВИЙ ИММУНИТЕТНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ОМИЛЛАРИ

*Toшкент «Маънавият» 2015*

Муҳаррир *Б. Умаров*

Мусаввир *Ш. Соҳибов*

Мусаххид *О. Пардаев*

Компьютерда тайёровчи *И. Аҳмедов*

Лицензия АI №189, 10.05.2011 й. да берилган. Босишга 20.05.2015 й.да  
руксат этилди. Бичими 84x108  $\frac{1}{32}$ . Таймс гарнитураси. Офсет босма  
усулида босилди. Шартли б. т. 1,68. Нашр т. 1,98. 1000 нусха.

Буюртма № 15-61. Нархи шартнома асосида.

«Маънавият» нашриётида чоп этилди. 100047. Тошкент,  
Тараққиёт 2-берккӯча, 2-уй. Шартнома 24–15.

ISBN 978-9943-04-245-2



9 789943 042452

*Manaviyal*